



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
ХАЛҚ РАЙОН ИҚТИСОДИЙ СУДИ В ҚАРОРИ

Риштон тумани

2022 йил 14 июль

4-1505-2201/837-сонли иш

Риштон туманлараро иқтисодий судининг судьяси У.Эргашевнинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Хақимовнинг котиблигида, Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатаси Фарғона вилоят бошқармасининг палата аъзоси Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки манфаатини кўзлаб, жавобгар – [REDACTED] оилавий корхонасидан кредитнинг муддати келмаган кредит қарздорлигидан 800 000 000 сўм, кредитга ҳисобланган фоиз қарздорлигидан 46 352 746 сўм ундириш, ундирувни гаров предмети бўлган жавобгарга тегишли бўлган Фарғона вилояти, Олтиарик тумани, Азимобод м.ф.й., Бахт кўчасида жойлашган нотурар жойнинг умумий ер участкасининг эгаллаган майдони 378.10 кв.м., қурилиш эгаллаган ер майдони 378.10 кв.м., яшаш майдони 00 кв.м., фойдали майдони 349.09 кв.м. бўлган “Ёшлар меҳнат гузари” бино ва иншоотларига қаратиш тўғрисидаги даъво аризаси юзасидан қўзғатилган иқтисодий ишни тарафлардан даъвогар вакили Т.Товисов (ишончнома асосида)нинг иштирокида, Риштон туманлараро иқтисодий суди биносидан очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И:**

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси (кейинги матнларда Палата деб юритилади) акциядорлик тижорат Халқ банки (кейинги матнларда даъвогар деб юритилади) манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар – [REDACTED] оилавий корхонаси (кейинги матнларда жавобгар деб юритилади)дан кредитнинг муддати келмаган кредит қарздорлигидан 800 000 000 сўм, кредитга ҳисобланган фоиз қарздорлигидан 46 352 746 сўм ундириш, ундирувни гаров предмети бўлган жавобгарга тегишли бўлган Фарғона вилояти, Олтиарик тумани, Азимобод м.ф.й., Бахт кўчасида жойлашган нотурар жойнинг умумий ер участкасининг эгаллаган майдони 378.10 кв.м., қурилиш эгаллаган ер майдони 378.10 кв.м., яшаш майдони 00 кв.м., фойдали майдони 349.09 кв.м. бўлган “Ёшлар меҳнат гузари” бино ва иншоотларига қаратишни сўраган.

Палата даъво аризада ишни ўзининг иштирокисиз кўриб чиқишни сўраган. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг (кейинги матнларда ИПК деб юритилади) 170-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган даъвогар суд мажлисига келмаса, даъвогарнинг ишни унинг



йўқлигида кўриш тўғрисидаги аризаси бўлган тақдирда, низо унинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Суд мажлисида даъвогар вакили кўрсатма бериб, даъво аризани қувватлаб, судга суд куни ҳолатига жавобгарнинг қарздорлик ҳолати бўйича маълумотнома тақдим этиб, даъво аризани қаноатлантиришни сўради.

Суд томонидан жавобгарнинг судга маълум бўлган охириги жойлашган ери (почта манзили)га суд маълум қилини, жойи ва вақти ҳақида суднинг ажрими қонунда белгиланган тарзда почта алоқа тармоғи орқали жавобгарга юборилган. Суднинг ажрими Қўрғоқ вилояти, Олтиариқ туман Почта алоқа тармоғи томонидан жавобгар курсатилган манзилда яшамаслиги ҳақидаги маълумот билан қайтарилган.

Суд мажлиси куни, жойи ва вақти ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий суди(келгуси матнларда Олий суд деб юритилади)нинг интерактив портали орқали жавобгарнинг директори [REDACTED] ўғлининг телефон рақамига “SMS” хабар юбориш йўли билан суд мажлиси куни, жойи ва вақти ҳақида хабардор қилинган бўлса-да, суд мажлисида жавобгардан вакил иштирок этмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 128-моддасига асосан суд томонидан юридик шахснинг судга маълум бўлган охириги жойлашган ери (почта манзили), фуқаронинг яшаш жойи бўйича юборилган ажримнинг кўчирма нусхаси олувчи кўрсатилган манзилда йўқлиги сабабли топширилмаган ва бу ҳақда алоқа муассасаси судни хабардор қилган бўлса, суд томонидан тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади. ИПКнинг 170-моддаси учинчи қисмида "Иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин"лиги белгиланган. Ушбу моддаларга асосан суд, ишни жавобгар иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топади.

Суд, даъвогар вакилининг тушунтиришларини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даъво аризасини қисман қаноатлантиришни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, даъвогар билан жавобгар ўртасида 24.03.2021 йилда 36 ой муддатга 6 ой имтиёзли давр билан йиллик 14 фоиз устама тўлаш шarti билан 1 000 000 000 (бир миллиард) сўм миқдорда кредит маблағи ажратиш юзасидан 5-сонли кредит шартномаси тузилган.

Хусусан, кредит маблағлари ва устама фоизларини қайтариш жадвалида жавобгар кредит қарзи ва унга ҳисобланган фоизларни белгиланган муддатларда тўлаб бориши лозим бўлган. Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 4.2.1-бандига кўра қарздори кредитни ва унга ҳисобланган фоизларни шартномада белгиланган муддатда ўз вақтида ва тўлиқ қайтариши ҳамда тўланишини таъминлашни зиммасига олган.

Гарчанд шартнома шартларига асосан даъвогар томонидан жавобгарга кредит маблағи ўз вақтида ажратилган бўлса-да, бироқ жавобгар томонидан кредит қарзи ва фоизлари бўйича тўловлар белгиланган муддатларда тўлиқ амалга оширилмаган, натижада жавобгарнинг кредитнинг муддати келмаган кредит қарздорлигидан 800 000 000 сўм, кредитга ҳисобланган фоиз қарздорлигидан 46 352 746 сўм қарздорлиги юзага келган.



Даъвогар томонидан жавобгарга кредит қарздорлигини бартараф қилишни сўраб юборган талабнома оқибатсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (кейинги матнларда ФК деб юритилади) 8 ва 234-моддаларида мажбуриятнинг шартнома асосида вужудга келиши, 236-моддасига асосан мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ лозим даражада бажарилиши кераклиги белгиланган.

ФКнинг 333-моддасига кўра, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради.

ФКнинг 735-моддасининг 1-қисмида “Қарз олувчи олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шарт” деб белгиланган.

ФКнинг 736-моддасининг 2-қисмида “Агар қарз шартномасида қарзни қисмлаб (бўлиб бўлиб) қайтариш назарда тутилган бўлса, қарз олувчи қарзнинг навбатдаги қисмини қайтариш учун белгиланган муддатни бузган тақдирда, қарз берувчи қарзнинг қолган барча суммасини тегишли фоизлар билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли” деб белгиланган.

ФКнинг 744-моддаси биринчи бандига кўра кредит шартномаси бўйича бир тараф-банк ёки бошқа кредит ташкилоти иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағларини кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Шунингдек, кредит шартномасининг 4.3.3–бандига мувофиқ кредит мақсадсиз фойдаланилганда, 90 (тўқсон) кундан ортиқ муддатда кредит бўйича асосий қарз ва фоизлар тўланмаганда, қарздорнинг молиявий аҳволи ёмонлашганда (зарар, ноликвид баланс ва бошқалар) бухгалтерик ҳисоби лозим даражада юритилмаганда, тақдим этилган ҳисоботларнинг нотўғри (ҳаққоний эмаслиги) аниқланганда, мазкур шартномага асосан қарздор ҳисобот маълумотларини тақдим этмаганда, банк назоратидан бўйин товлаганда (бош тортганда), қарздор томонидан банкка кредит ҳужжатлари расмийлаштирилганда тақдим этилган маълумотлар ҳаққоний эмаслиги аниқланганда, ажратилган кредитнинг қайтарилиши турли сабабларга кўра таъминланмаган бўлиб қолган ҳолларда, шунингдек кредит қайтарилишига салбий таъсир кўрсатувчи мазкур шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятлар бажарилмаганда, банк ўз хоҳишига кўра кредитни муддатидан тегишли фоизлари билан бирга қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, Палатанинг даъвогар фойдасига жавобгар ҳисобидан кредитнинг муддати келмаган кредит қарздорлигидан 800 000 000 сўм, кредитга ҳисобланган фоиз қарздорлигидан 46 352 746 сўм қарздорликни ундириш тўғрисидаги талаби асосли бўлиб, мазкур талаб даъвогар вакилининг суд мажлисида берган тушунтириши, иш ҳужжатларидаги ҳисоб-китоб маълумотномалари билан ўз тасдиғини топади. Бироқ, даъвогар вакилининг суд куни ҳолатига жавобгарнинг қарздорлиги бўйича судга тақдим этган маълумотномасига асосан жавобгарнинг кредитнинг муддати келмаган



кредит қарздорлигидан 700 000 003 сўмни, кредитнинг муддати ўтган қисми бўйича қарздорлиги 99 999 997 сўмни, кредитга ҳисобланган фоиз қарздорлигидан 54 701 220 сўмни таъминоти этиши маълум қилинган. Ушбу ҳолатда даъво аризада келтирилган даъво талабидан келиб чиқиб, даъво аризани қисман қаноатлантириш, жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига кредитнинг муддати келмаган кредит қарздорлигидан 700 000 003 сўм, кредитга ҳисобланган фоиз қарздорлигидан 46 352 746 сўм ундириш лозим бўлади.

Шунингдек, даъво аризада қарздорнинг гаров предмети бўлган жавобгарга тегишли бўлган Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Азимобод м.ф.й., Бахт кўчасида жойлашган нотурар жойнинг умумий ер участкасининг эгаллаган майдони 378.10 кв.м., қурилиш эгаллаган ер майдони 378.10 кв.м., яшаш майдони 00 кв.м., фойдали майдони 349.09 кв.м. бўлган “Ёшлар меҳнат гузари” бино ва иншоотларига қаратиш сўралган.

Кредит шартномасининг 6.1-бандига асосан кредит таъминотига кредит таъминоти учун жавобгар «[Redacted]» оилавий корхонасига тегишли бўлган Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Азимобод м.ф.й., Бахт кўчасида жойлашган нотурар жойнинг умумий ер участкасининг эгаллаган майдони 378.10 кв.м., қурилиш эгаллаган ер майдони 378.10 кв.м., яшаш майдони 00 кв.м., фойдали майдони 349.09 кв.м. бўлган “Ёшлар меҳнат гузари” бино ва иншоотлари ерга эгалик қилиш ҳуқуқи билан бирга гарови тақдим этилиши белгиланган. Шартноманинг ушбу шартига асосан 25.03.2021 йилда даъвогар ва жавобгар ўртасида Фарғона вилояти Олтиариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ш.Р.Пўлатов иштирокида KSh№044198FA-сонли ипотека шартномаси тузилиб, 24.03.2021 йилдаги 5-сонли кредит шартномасининг таъминоти сифатида жавобгар «[Redacted]» оилавий корхонасига Олтиариқ туман ҳокимининг 25.09.2019 йилдаги 5284-сонли қарори асосан тегишли бўлган, Фарғона вилояти “Ермулккадастр” ДК Олтиариқ тумани филиали томонидан 01.02.2021 йилда 1730203/R-A1531850-сонли 15:07:04:04:02:0585-сонли кадастр рақами билан рўйхатга олинган Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Азимобод м.ф.й., Бахт кўчасида жойлашган нотурар жойнинг умумий ер участкасининг майдони 378.10 кв.м., қурилиш эгаллаган ер майдони 378.10 кв.м., яшаш майдони 00 кв.м., фойдали майдони 349.09 кв.м., хоналар сони 0 (0) та, инвентар баҳоси 00 сўм қийматда бўлган “Ёшлар меҳнат гузари” бино ва иншоотлари ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи билан бирга гаровга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси “Гаров тўғрисида”ги Қонунининг 26-моддасига кўра, гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган тақдирда ёки лозим даражада бажармаганда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиши мумкин.

ФКнинг 268-моддасида “Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаров талабнинг уни қондириш пайтидаги ҳажмини таъминлайди, хусусан фоизлар, неустойка, ижрони кечиктириб юбориш натижасида етказилган зарар тўланишини, шунингдек гаровга олувчининг



гаровга қўйилган ашёни сақлашга қилган зарур харажатлари ва ундирув харажатлари тўланишини таъминлайди” деб белгиланган.

ФКнинг 279-моддаси 1-қисмида гаровга оловчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш мумкинлиги қайд этиб ўтилган.

Юқоридагиларга кўра у [PDF] и жавобгар « [REDACTED] » оилавий корхонасига Олтиариқ тумани ҳокимининг 25.09.2019 йилдаги 5284-сонли қарори асосан тегишли бўлган, Фарғона вилояти “Ермулккадастр” ДК Олтиариқ тумани филиали томонидан 01.02.2021 йилда 1730203/R-A1531850-сонли 15:07:04:04:02:0585-сонли кадастр рақами билан рўйхатга олинган Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Азимобод м.ф.й., Бахт кўчасида жойлашган нотураар жойнинг умумий ер участкасининг майдони 378.10 кв.м., қурилиш эгаллаган ер майдони 378.10 кв.м., яшаш майдони 00 кв.м., фойдали майдони 349.09 кв.м., хоналар сони 0 (0) та, инвентар баҳоси 00 сўм қийматда бўлган “Ёшлар меҳнат гузари” бино ва иншоотлари ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи билан бирга қаратиш ҳақидаги даъво талаби асосли бўлиб, ушбу даъво талабини қаноатлантириш лозим бўлади.

ИПКнинг 118-моддаси биринчи қисмида "Суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади" деб белгиланган.

Юқоридагиларга кўра суд, даъвогарнинг даъво талабини қисман қаноатлантиришни, даъвогар фойдасига жавобгар ҳисобидан кредитнинг муддати келмаган кредит қарздорлигидан 700 000 003 сўм, кредитга ҳисобланган фоиз қарздорлигидан 46 352 746 сўм ва 24000 сўм почта харажатини ундиришни, ундирувни ундирувни жавобгар « [REDACTED] » оилавий корхонасига Олтиариқ туман ҳокимининг 25.09.2019 йилдаги 5284-сонли қарори асосан тегишли бўлган, Фарғона вилояти “Ермулккадастр” ДК Олтиариқ тумани филиали томонидан 01.02.2021 йилда 1730203/R-A1531850-сонли 15:07:04:04:02:0585-сонли кадастр рақами билан рўйхатга олинган Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Азимобод м.ф.й., Бахт кўчасида жойлашган нотураар жойнинг умумий ер участкасининг майдони 378.10 кв.м., қурилиш эгаллаган ер майдони 378.10 кв.м., яшаш майдони 00 кв.м., фойдали майдони 349.09 кв.м., хоналар сони 0 (0) та, инвентар баҳоси 00 сўм қийматда бўлган “Ёшлар меҳнат гузари” бино ва иншоотлари ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи билан бирга қаратишни, жавобгар ҳисобидан республика бюджетига ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ 16 927 054,92 сўм давлат божи ундиришни, даъвонинг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этишни лозим деб топди.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 8, 234, 236, 333, 736, 744-моддаларини, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-179-моддалари қўллаб,

## Қ А Р О Р   Қ И Л Д И :

Даъво ариза қисман қаноатлантирилсин.



Даъвогар акциядорлик тижорат Халқ банки фойдасига жавобгар – « [REDACTED] » оилавий корхонаси ҳисобидан кредитнинг муддати келмаган кредит қарздорлигидан 700 000 003 сўм, кредитга ҳисобланган фоиз қарздорлигидан 46 352 746 сўм ва 24000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ундирув жавобгар « [REDACTED] » оилавий корхонасига Олтиариқ туман ҳокимининг 25.09.2019 йилдаги 5284-сонли қарори асосан тегишли бўлган, Фарғона вилояти «Ермулккадастр» ДК Олтиариқ тумани филиали томонидан 01.09.2019 йилда 1730203/R-A1531850-сонли 15:07:04:04:02:0585-сонли кадастр қилиниши билан рўйхатга олинган Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Азимообод м.ф.й., Бахт кўчасида жойлашган нотурар жойнинг умумий ер участкасининг майдони 378.10 кв.м., қурилиш эгаллаган ер майдони 378.10 кв.м., яшаш майдони 00 кв.м., фойдали майдони 349.09 кв.м., хоналар сони 0 (0) та, инвентар баҳоси 00 сўм қийматда бўлган “Ёшлар меҳнат гузари” бино ва иншоотлари ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи билан бирга қаратилсин.

Жавобгар « [REDACTED] » оилавий корхонаси ҳисобидан республика бюджетига ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ 16 927 054,92 сўм давлат божи ундирилсин.

Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан кейин ижро варақалари берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф бир ой муддат ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судининг иктисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикоятни билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

**Раислик этувчи**

**У.Эргашев**

